ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 6 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1068-1074

ЁШЛАРНИ ИННОВАЦИОН ТАФАККУР ВА МАЪНАВИЙ АХЛОҚИЙ ХУСИЯТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МЕЗОНЛАРИ

Жўрабек Жуманазар ўғли Ражаббоев
Урганч давлат университети талабаси
sv997710@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ёшларни инновацион тафаккур ва маънавий ахлоқий хусиятларини шакллантириш мезонлари масалаларни ёритилиши ҳақида сўз юритилди. Замонавий глобаллашув даврида ёшларни инновацион тафаккур ва маънавий ахлоқий хусиятларини шакллантириш масалаларининг асосий хусусиятлари ва асосий параметрлари таҳлил қилинди.

Калит сўзлар: инновация, ижод, ижодкорлик, устунлик, замонавий таълим, билим, жараёнлар, уйғун қараш, глобалистик дунёқараш, кенгайтирилган ёшлар менталитети, ёшларнинг қадрият йўналишлари, ёшлар онги.

CRITERIA FOR THE FORMATION OF INNOVATIVE THINKING AND SPIRITUAL AND MORAL QUALITIES OF YOUNG PEOPLE

ABSTRACT

This article discusses the criteria for the formation of innovative thinking and spiritual and moral qualities of young people. The main features and key parameters of the formation of innovative thinking and spiritual and moral qualities of young people in the era of modern globalization were analyzed.

Keywords: innovation, creativity, creativity, excellence, modern education, knowledge, processes, harmonious outlook, globalist worldview, expanded youth mentality, youth value orientations, youth consciousness.

КИРИШ

Илмий техник кашфиётларсиз ижтимоий тараққиёт йўқлигини бугун биз аниқ тасаввур этаётган бўлсак-да, маънавият масалаларига бағишланган бирорта ҳам асарда илмий техник билимларнинг аҳамияти тилга олинмайди, уларни ўрганиш методологияси очиб берилмайди. Илмий техник билимлар ҳам маънавий тараққиётнинг объектив қонунлари, талаблари инъикосидир. Тўғри, маънавий меросимизда бу муаммони ҳал этишга ўрин топилмаган, аммо ҳозирги давр илмий техник изланишларни тақозо этади; ижтимоий ҳаётнинг

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1068-1074

барча соҳаларида илмий техник инқилоб ютуқларидан унумли фойдаланиш заруриятга айланган.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Шубҳасиз, халқимиз маънавий меросида улуғланадиган ижтимоий адолат, идеал жамият, комил инсон, юксак маънавият, инсонпарварлик, ватанпарварлик, иймон эътиқод, гўзал хулқ ва атвор, жамоавийлик, иноқлик, камтарлик, саховатпешалик, тинчликсеварлик, меҳнатсеварлик, оилапарварлик каби фазилатлар ўлмас қадриятлардир, уларни ўзлаштириш ва ёш авлод қалбига сингдириш бурчимиз. Бироқ ижтимоий тараққиётнинг объектив қонунлари, инновацион ривожланиш талаблари биздан илмий техник билимларни, кашфиётларни кутаётгани ҳам ҳақиқат. Шу билан бирга, маънавий ахлоқий императивларда историцизм ва традиционализм устуворлик қилишини, бу баъзан турғунликка, консерватизмга олиб келиши мумкинлигини айтиб ўтишимиз даркор.

Бу историцизм жамиятда, кишилараро муносабатларда барқарорликни, иттифоқни таъминлашга ёрдам беради, шахс ва жамият ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлайди, авлодлараро диахрон алоқаларни муҳим қадриятларга айлантиради. Бироқ улар инновацион ўзгаришларга тўсиқ бўлиши ҳам мумкин. Демак, биз традиционализм билан модернизациялаштириш ўртасида маълум бир консенсусни, мувофиқликни қарор топтириш устида бош қотиришимиз керак. Историцизм устун келган жойда ҳар қандай инновация қуруқ истаклар бўлиб қолаверади. Шунинг учун инновациянинг фаол субъектлари бўлмиш ёшларга зарур эътибор қаратиш, уларда нафақат янгиликларни ўзлаштириш ва креатив фаолликни, шунингдек, халқимиз маънавиятидан жой олган ахлоқий императивлар билан яшаш кўникмасини ҳам шакллантириш талаб этилади. Ушбу икки мунофий, бир бирига зид томонларни уйғунлаштириш, у қанчалик мураккаб ва оғир вазифа бўлмасин, миллий тараққиётимизнинг объектив талабидир. Маънавий ахлоқий императивлар, моҳиятига кўра, аждодларимиз яратган, улардан мерос бўлиб келаётган, халқимиз ва миллатимиз менталитети, турмуш тарзи, маданий ҳаётидан жой олган қадриятлар ҳисобланади. Уларнинг турли манфаатлар ва қизиқишлар билан боғлиқлиги маънавий ахлоқий ҳаётда “мен” ва “биз” категорияларини шакллантирган. “Жамиятда асрлар давомида шаклланиб, ривожланиб келган маросимлар, анъаналар, урф одатлар ҳам шахс билан жамоатчилик ўртасида бўладиган ахлоқий муносабатларнинг кўриниши ҳисобланади. Шуларга риоя

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1068-1074

қилиш асосида индивидуал “мен” билан коллектив “биз” ўртасидаги муносабатлар уйғунлашади”[1]. Кўп адабиётларда Шарқ маънавий ахлоқий императивларида “биз” устуворлик қилиши таъкидланади. Ушбу коммунитаризм анъана даражасига кўтарилгани салбий, консерватив ҳол эмас, албатта. Аммо жамият тараққиётида ҳеч қачон ё “мен” ёки “биз” категорияси мутлақ устунлик қилмаган, уларни уйғунлаштирмай яшаш мумкин эмас эди. Тўғри, бу категориялар, тасаввурлар ўртасида зиддиятлар бўлиши табиий ҳолдир. Чунки “шахс ва жамият ўртасидаги муносабатлар ривожи фақат муштаракликлардангина иборат эмас.

Бу муносабатларда зиддиятлар ҳам бўлади. Бу зиддиятларнинг асоси шахс билан жамият ўртасидаги муносабатларни англаш ва шакллантиришдаги номутаносибликдир. Шахс бу алоҳида одам. Жамият эса ана шундай алоҳида одамларнинг муайян мақсадлар асосида шаклланган бирлигидир. Зиддиятлар жамият шахсни, шахс жамиятни англамаслиги натижасида содир бўлади. Шахсий худбинлик ёки, аксинча, шахс манфаатларини бутунлай сояда қолдириш натижасида юзага келадиган зиддиятлар катта ижтимоий фожеаларга ҳам масалан, икки марта Нобель мукофотига сазовор бўлган Мария Кюри Складовская ҳаётини олинг. Бетакрор илмий қобилият эгаси, даҳо ижодкор ўз қизиқишларига, изланишларига шунчалик берилганки, ҳатто аёлда ҳеч бўлмаганида учта тўртта куйлак бўлиши кераклигини ўйига ҳам келтирмайди. Унинг “мен”и полония, радий излашда. У ушбу изланишларида мудом якка қолишни истайди. Эри, Пьер Кюри, у ҳам Нобель мукофоти совриндори, билан ҳамкорлигигина унга ҳузур, ҳаётидан қониқиш беради. Буни ижодий (ижобий) эгоизм дейиш мумкин, аммо барибир эгоизм-да[2].Буюк ижодкорларнинг кўпчилиги у ёки бу қусурларга, ўз “мен”ини улуғлашдек такаббурликка берилишган[3]. Шунинг учун ҳам италиялик психиатр Ломброзо йирик ижодкорларда манманлик, ҳатто телбалик учрашини қайд этади[4]. Янгиликни кашф этиш, ижодга берилиш ён атрофга бефарқликни келтириб чиқариши бор нарса. Аммо бу ижодий психологик ҳол айрим шахсларгагина хосдир, бутун жамият бундай важоҳатда, талвасада яшай олмайди. Инновацион тафаккурда ижод талвасасига берилиш учрайди, аммо бу ҳам чин ихтирочиларга хосдир. Янгилик яратиш дарди ва завқи “мен”ни фаоллаштиради, уни гоҳо ён атрофдагиларга рақиб қилиб қўяди. Катта ижодкорлардаги одамовилик, давраларни, оломонни ва ҳашамларни ёқтирмаслик шу сабаблидир.

Бу хислатларни Беруний, Ибн Сино, мутасаввуфларда ҳам учратамиз. “Мен” фақат ғарб ижодкорларигагина тааллуқли эмас, уни деярли барча йирик

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1068-1074

шахслар фазилатларида кузатамиз. Бироқ Шарқ анъаналари “мен”ни мудом ўзига имтисол этиб келган, “биз” доирасидан чиқиш ҳатто ўта қобилиятли шахсларда ҳам камдан кам учрайди. Бизнинг фикримизча, шу ўринда Шарқда илмий техник тафаккур етарли ривожланмаганининг боиси ётади. Бу ҳатто Э.Юсуповнинг қуйидаги ўринли фикрларида ҳам кўзга ташланади: “Ижтимоий ахлоқий бурч ва масъулият, деб ёзади ҳурматли олимимиз, баъзан инсоннинг шахсий манфаатларига зид келиб қолади. Инсон баъзан ижтимоий ахлоқий бурч ва масъулиятнинг бир қисми бўлган анъаналар, урф одатларни ҳам четлаб ўтишга интилади. Ижтимоий муаммолар доирасида муайян анъаналарни четлаб ўтишга интилиш ҳиссиёт ва эҳтиролар таъсирида бўлган ёшларда кўпроқ учрайди. Улар баъзан муайян ижтимоий, ахлоқий муҳитга мослашишдан кўра, уни ўзига мослаштиришга мойил бўладилар. Севги, муҳаббат бобида ҳам баъзан ота она, жамоатчилик фикрини эътиборга олмай ўз ниятига етишга интилиш ҳоллари бўлади, ҳиссиётлар баъзан кишини тўғри йўлдан оздириб юборади. Баъзи одамлар жамоатчилик фикри билан шахсий манфаатлар ўртасидаги зиддиятларни ҳал этиш йўлларини топа олмаганида ўз жонига қасд қилишга қадар етиб боради"[5]. Олимнинг фикрларидан маълум бўладики, ёшларнинг маънавий ҳаёти жамоатчилик фикрига мувофиқ келиши, “биз” талабларининг инъикоси бўлиши керак.

Шахсий манфаатларни жамоатчиликка бахш этиш маънавий камолот белгиси сифатида қаралади. Шарқона традиционализм шахснинг ўз доирасидан ташқарига чиқишига йўл бермайди, уни маънавий ахлоқий императивлар чегарасида ушлаб туради. Бу яхшими ёки салбий ҳолми? Ижобий ҳол бўлса, яхши жиҳатлари нималардан иборат, агар салбий ҳодиса бўлса, бу жиҳатлар нималарда намоён бўлади? Бу жиҳатларнинг мавзуга, инновацион тафаккурга нима алоқаси бор? Биринчи савол бўйича академик Э.Юсупов қуйидаги фикрларни билдиради: “Ахлоқ, деб ёзади олимимиз, ҳар бир шахс ўзини бошқалар олдида бурчли ва масъулиятли деб ҳис қилишининг натижасидир. Шунга асосланиб ахлоқий камолот инсон ўз ҳаёти, фаолияти жараёнида асрлар давомида шаклланиб келган маънавий қадриятларни англаши, уларга таяниши ва ривожлантиришидир деб хулоса қилиш мумкин.

НАТИЖАЛАР ВА МУҲОКАМА

Асосий масала ҳар бир халқ қандай ахлоқий меросга эга эканлигидагина эмас, балки янги авлодлар уларга қай даражада амал қилаётгани ва ривожлантираётганидадир. Шу сабабли ҳам ҳар бир шахс жамиятда мавжуд

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1068-1074

бўлган юриш туриш, хулқ одоб, муомала ва муносабат қоидаларига риоя қилиши ахлоқлиликнинг белгиси ҳисобланиб келган. Бу борадаги анъана ва қадриятлардан чекиниш ёки уларни эътиборга олмаслик эса ахлоқсизлик деб баҳоланган. Ахлоқсизлик "мен" билан "биз" ўртасидаги мутаносиблик бузилиши, зиддият пайдо бўлишидир"[6]. Маълум бўладики, асрлар давомида шаклланган қадриятлар шахс хатти ҳаракатларини белгилаб беради, уларга амал қилиш ахлоқлилик, уларни бузиш ахлоқсизлик сифатида баҳоланади. "Мен" билан "биз" ўртасидаги асрлар давомида ўрнатилган мутаносиблик бузилиши мумкин бўлмаган қатъий ахлоқий императивга айлантирилади. Маънавий ахлоқий нуқтаи назардан бу фикр эътиборлидир, бироқ уни инсоннинг барча хатти ҳаракатларига, шу жумладан, ижодий фаолиятига, инновацион изланишларига ҳам кўчириш хавфи мавжуддир.

Агар Шарқда инсоннинг деярли барча фаолияти маънавий ахлоқий императивларга мувофиқ ўлчаниб келганини эсласак юқорида хавф асоссиз эмаслигини пайқаймиз. Шу билан бирга мазкур фикрнинг, маънавий ахлоқий императивнинг ижобий томони ҳам мавжуд. Ғарбда рўй берган илмий техник инқилоб асрлар давомида шаклланган анъаналарни рад этди, инсоннинг интеллектуал кучини, илмий салоҳиятини ижтимоий тараққиётни таъминловчи ягона омил деб билди. Натижада Ғарб цивилизацияси улкан ютуқларни қўлга киритди, инсонни табиий муҳитга мутеликдан халос қилди, турмушини фаровон, фикрини эркин ва имкониятларини кенг, ранг баранг ва завқли қилди. Аммо Ғарб асосий қадрият сифатида сиғинадиган бойлик, пул, фаровонлик, Э.Фромм эътирофига кўра, "дунёни ағдар тўнтар қилувчи, барча табиий нарсаларни ва инсон сифатларини ўзгартирувчи ва яксон қилувчи универсал важларга айланди"[7]. Бунда илмий техник инқилоб ва у туғдирган ҳаётий идеаллар, турмуш ва фикрлаш тарзи муҳим рол ўйнади. Илмий техник инқилобнинг глобал экологик, демографик, маънавий инқирозларни келтириб чиқаргани эса умумэътироф этилган ва у инсониятни ҳалокат ёқасига олиб келиб қўйган.

Илмий техник тафаккурни ривожлантиришга муккасидан кетиб берилишнинг ушбу фожиали оқибатлари инновацион тараққиётга кўчмаслиги зарур. Буни аввало маънавий ахлоқий анъаналаримиз, Шарқона традиционализм тўхтатиши, олдини олиши мумкин. Маънавий ахлоқий императивлар билан инновацион тафаккур ўртасидаги диалектик алоқаларнинг шартлиги айнан шу жойда намоён бўлади. Бу юқоридаги биринчи ҳамда иккинчи саволга жавобдир.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1068-1074

Шарқона традиционализм “етти ўлчаб бир кес” ва “борига шукур қил” тамойилларига қурилган. Унда анъаналарга таяниш, хатти ҳаракатларни ижтимоий муҳитда қарор топган нормалар, қарашлар билан ўлчаш, шу нормалар ва қарашларга мувофиқ келган ташаббуснигина қўллаб қувватлаш устувордир. Янгилик унга мавжуд тартибларни, анъаналарни бузиш, ҳатто даҳрийлик бўлиб кўринади. Инновацион тафаккур бундай нормалар ва қарашлар доирасида қололмайди, унга мудом беором изланиш, ниманидир яратиш, борлиқни такомиллаштиришга интилиш хос. Тинмай такомиллашиш унинг стихияси ва талабидир.

Мазкур зиддиятларни мутлақ бартараф этиш имкони йўқ, аммо уларни сингармоник тарзда бир бирига хизмат қилдириш мумкин. Бунинг учун бундай уйғунликни таъминлашдан аввало жамият ва давлат манфаатдор бўлиши лозим. Бизнинг фикримизча, бу манфаатдорлик қуйидаги йўналишларда, вазифаларда ўз аксини топиши мумкин: 1) ижодкор, инновацион изланишларга қодир ёшларни, интеллектуал кучларни етиштириш; 2) илмий техник тафаккурни маънавий ахлоқий императивлар доирасида, гуманизм асосида шакллантиришнинг янги педтехнологиясини яратиш; 3) йирик интеллектга эга ижодкорлардаги салоҳиятни қўллаб қувватлаган тарзда уларда жамият олдидаги маънавий масъуллик, ижтимоий бурч ва олимлик этикасини шакллантириш.

Бу йўналишлар, вазифалар сиртдан қараганда тривиал кўринади. Илмий техник инқилоблар натижасида юзага келган глобал инқирозлар аввал Рим клуби аъзоларини[8], кейин эса бутун инсониятни[9] ташвишга солиб қўйди. Илмий техник кашфиётларсиз ижтимоий тараққиёт йўқ, бу кашфиётларнинг детерминистик таъсири илмий техник изланишлар қандай тарзда олиб борилиши ва ёш кадрлар қандай тарбиявий моделга мувофиқ тайёрланиши зарур, деган саволни кун тартибига қўйди. Ижодкор, инновацион техникани яратишга қодир ёшларни тайёрлаш янги педтехнологияни, тарбия моделини тақозо этдики, бу масалани ҳал этмай туриб, илмий техник кадрлар етиштириш инқирозларни янада чуқурлаштиришга сабаб бўларди. Бу борада Ғарб ибратли изланишлар ўтказди, глобал инқирозларни ўрганувчи илмий марказлар ва техник экспертизалар ўтказувчи муассасалар ташкил этди. 1945-2000 йиллар ичида Европа давлатларида 400 га яқин глобал тарзда фикрловчи, олий маълумотли илмий техник кадрлар тайёрлайдиган университет ва академиялар очилди. Илмий техник кашфиётларни инсонийлаштириш, яъни инсоннинг туб

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1068-1074

мақсадларига мувофиқ келадиган кашфиётларни қўллаб қувватлаш сиёсати амалга оширилди[10]

ХУЛОСА

“Ҳаётда ахлоқ манфаатга эмас, балки манфаат ахлоққа бўсуниши лозим. Агар манфаат ахлоқдан устун деб қаралса, кишилар барчага аён бўлган оддий ҳақиқатни ҳам инкор этиш йўлига ўтиб оладилар. Одамзод орасида шундайлар бўлган, бундан кейин ҳам бўлади. Тарбиявий ишларнинг долзарблиги ҳам шундай сабаблар билан белгиланади”[11]. Илмий техник тафаккур, кашфиётлар маълум бир манфаатлар нуқтаи назаридан амалга оширилиши кузатилади. Йирик меценатлар у ёки бу илмий техник ихтироларни қўллаб қувватлаганларида ўзининг моддий имкониятларини кенгайтиришни кўзлайдилар. Бу интеллектуал дунёда кенг тарқалган анъанадир. Демак, инновацион кашфиётларнинг умуммаънавий ахлоқий императивларга, талабларга зид келиш хавфи мавжуд. Меценатлар манфаатларининг умуммаънавий императивлар, талаблардан устун келиши жамиятдаги барқарорликка, иттифоққа ва адолат тамойилларига бир кунмас бир куни зид келади, бу ижтимоий ҳаётда безовталик уйғотмай қолмайди. Айнан шунинг учун ҳам Э.Юсупов тарбиявий ишларга урғу беради.

REFERENCE

1. Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари. Тошкент: Университет, 1998. 79 б.
2. Кюри Е.Мария Кюри. Перевод с франц. Изд. 3 е. Москва: Атомиздат, 1973.
3. Тайные страсти великих. Москва: АСТ: Зебра Е, 2008.
4. Ломброзо Ц. Гениальность и помешательство. Санкт Петербург, 1892.
5. Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари. Тошкент: Университет, 1998. 79 б.
6. Ўша асар. 80 б.
7. Фромм Э. Искусство быть. Москва: АСТ, 2014. С.315.
8. Печчеи А. Человеческие качества. Москва: Прогресс, 1971
9. Глобальные проблемы и обшечеловеческие ценности. Москва: Прогресс, 1990.
10. Зигуненко С.Н. Великие открытия. Москва: АСТ: Астрель: Транзиткнига, 2005.
11. Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари. Тошкент: Университет, 1998. 81 б.